Гарб муаллифлари орасида “Ислом тарихининг ўрта аср даврини теократик тузум, ундаги хукмдор Худонинг ер юзидаги халифаси, унинг фармонларига хеч ким карши чика олмайди” деган мулохаза кенг таркалган. Бундай хукмдорларни факатгина сарой ичидаги фитна-фасодлар билан агдариш мумкин. Хатто, шаркшунослар доим мактаб келадиган султон ва халифлар хар кандай фармон ва карорларнинг мутлак хокими сифатида кабул килган, мусулмон дунёсининг такдири уларнинг кайфиятига боглик, деб кабул килганлар.

Шаркшунослар фикрига кўра, мусулмон дунёси – хукмдори золим ё доим маст сархуш хотинбоз... Гарб онгидаги мусулмон давлати хакидаги тасавввур хамон ўзгармаган. Хукмдорнинг ўй-хаёли хотинлар ва халк факат унга бўйинсиниши керак эмиш.

Бирок, Ислом тарихини чукур ўрганиб чиксак, юкорида айтилган нарсалар хакикатдан анча йирок экани маълум бўлади. Аслида, Ислом хукмдорлари ўз маъсулияти хакида илгор ёндашувда бўлишган экан.

Масалан, шаркшунос Уилям Мюр Мисрнинг энг буюк хукумдорларидан бири бўлган Султон Зохир Бейбарсни шавкатли хукмдор бўлганлигини ёзади.

Султон Бейборс магуллар ва салбчиларга карши катта харбий харакатларни амалга оширган хамда иктисодий ва кишлок хўжалигига оид зарурий ислохатларни амалга оширган. Кўприклар, тўгонларни бунёд этган, мамлакатда тинчлик саклаган хамда ахолини ижтимоий таъминот билан таъминлаган. У кўзга кўринган истеъдодли харбий рахбар ва катта таъсирга эга шахс бўлган хисобланади. Замондошлари ундан кўркишган. Кўпчилик уни золим бўлганини айтишади, бирок тарих бунинг аксига гувохлик бермокда. Султон жамоатчилик фикрини инобатга олган ва халкнинг манфаатларига мувоффик сиёсат юритган.

Ўша даврларда фукаролар жамиятининг пешволари сифатида уламолар хисобланар эди. Шундай уламоларнинг бири Изз ибн Абдусалом эди. У Миср тарихида мухим ўрин эгаллаган. Султон Бейбарс уламолар фикрига кулок солган ва уларга карши бормаган.

Яна, хукмдорлар ичида катта обрўга эга олим ва кози Тожиддин ибн бинт Ал-Ааз хам бўлган. Бейбарснинг мухим вазирларидан бири Бахоуддин бин Ханна Ал-Аазнинг халк орасидаги катта обрўси туфайли унинг ёрдамига доим мухтож бўлган, Бейбарс эса сиёсат масалалари бўйича уламо билан доим маслахатлашиб турган.

Жуда кўп асарларнинг муаллифи ва жуда кўп олимларнинг муаллими бўлган имоми Мухиддин Нававий хам хукмдор билан узаро алокада бўлганлигига яна бир мисолдир.

Султон Бейбарс Дамашкда баъзи объектларни мусадора килганида имом Нававий Дамашк ахолисининг хукукини химоя килиб сиёсий кураш олиб борган. Имом Нававий Бейбарсга хукмдорнинг ўз халкига кандай муносабатда бўлиши кераклиги хакида Исломий хукмларни ёзиб, тушунтириб юборган. Хамда султоннинг Дамашк ахлига

келтирган зарарини хам ёзган. Нававийнинг мактуби илтимос охангида эмас балки султоннинг шариатга (конунга) амал килиши хакида аник кўрсатмалар эди. Султон унинг мактубини ўкишдан бош тортганида имом катъиятлик кўрсатган. Бейбарс уруш учун ахолининг мулкини мусодара килмокчи бўлганида хам Нававий султонни танкид килган. Султон эса ўз ўринда уни Дамашкдан бадарга килган. Сўнг Дамашк уламолари султон карорига карши чикиб, имоми Нававийини кайтаришга мувоффак бўлган.

Уламолар ва султонлар ўртасидаги ихтилофлар кўпинча хукмдорлар мавкеи ва таъсирига боглик бўлган ва султонларнинг уламоларнинг талабларига бўйинсиниши шахсий масала бўлмаган, балки халк иродасига бўйисиниш масаласи бўлган.

Юкорида зикр килинган фактлар Ислом оламида хукмдорлар “амри маъруф ва нахий мункар” тамойилига асосланган халк иродасига бўйинсиниши кераклигини исботлайди. Омма, хукмдорга бўлган муносабатида хам мазкур тамоилга асосланган.

Интернет маълумотлари асосида Абу Муслим тайёрлади